

**ХУЖЖАТЛАРНИ САКЛАШГА ОИД  
ШАРТНОМА №\_01**

Муборак шахри.

«08» Янв 2022-йил.

Муборак туман давлат архиви

бир томондан, ва (устав, қарор, ишончнома) асосида иш қурувчи, кейинчалик  
«Бажарувчи» деб юритилувчи

Муборак туман давлат архиви

(корхона, ташкилот номи)

номидан иш қурувчи

директор Р.Ф.Болтаев

(лавозим, Ф.И.О.)

Очиқ нефт ва газ фаввораларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича Ўзбекистон  
харбийлаштирилган қисм (устав, низом, ишончнома) асосида иш қурувчи, кейинчалик  
«Буюртмачи» деб юритилувчи

Очиқ нефт ва газ фаввораларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича Ўз.Х Қисм  
(корхона, ташкилот, муассаса номи)

номидан қисм бошлиги:

Р.Н.Авлакулов

(лавозим, Ф.И.О.)

иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар туғрисида туздилар:

**1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ**

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Бажарувчи» «Буюртмачи» га 2022 йил давомида қуйидаги  
хизматлар амалга оширилади :

Корхонанинг Муборак туман давлат архивида сақланаётган 1968 йилдан 2015 йиллардаги  
хужжатларини ҳар чоракда илмий техник қайта ишлов (йигмажилдларни таъмирлаш)  
ёнгинга қарши кимёвий ишлов бериш, корхона ишчи ходимларини мурожаатларини  
урнатилган тартибда бажариш шунингдек архивдан корхонага зарур бўлган  
хужжатларни уз вақтида сифатли тақдим этиш. Бажарилган ишлар ойма ой ва ҳар чоракда  
ҳисоблаб корхонага тақдим этилади.

«Хизматлар» нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни  
курсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада  
келтирилади.

**II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

2.1. «Буюртмачи» нинг ҳуқуқлари:

Хизматлар туман давлат архивида амалга оширилади:

Хужалик гуруҳига зарур ашёлар ҳозир қилиш, мукова коғоз, ип, клей ва бошқалар.

Руйхат ва хужжатларни чоп қилдириш воситалари билан таъминлаш.

Бажарилган ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан  
тасдиқланган нархлардан ва томонларнинг қелишуви билан қелишилган шартномавий  
баҳоларда ҳам олинади.

«Бажарувчи» дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат  
стандартлари ва бошқа норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги  
натijasида етказилган зарар қопланишини «Бажарувчи» дан талаб қилиш.

2.2. «Буюртмачи» нинг мажбуриятлари:

Уз буюртманомаси бўйича курсатилган «Хизматлар» ни мазкур шартномага мувофиқ  
қабул қилиш;

«Хизматлар» га мазкур шартноманинг 3,1-бандида курсатилган нарх бўйича, қабул  
қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан сунг ҳақ тулаш.

2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Доимий ва вақтинча сақлаш учун давлат архивларига топширилишлари зарур бўлган  
хужжатларнинг илмий амалий қимматдорлигини аниқлаш учун экспертиза утказиш.

Доимий сакловга мулжалланган ҳужжатларни муковалаш ва сарлавхалар тикиш, руйхатни тузиш йукотиш далолатномаларини тузиш ва бошқа ишлардан иборат булган илмий амалик иловаларини Ўзбекистон Республикаси Коидалари ва Низоми асосида олиб бориш.

Курсатилган «Хизматлар» учун олдиндан ҳақ туланишини ва амалдаги конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб килинишини «Буюртмачи» дан талаб килиш;

Берилган буюртномага мувофиқ курсатилган «Хизматлар» ни қабул килиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар копланишини «Буюртмачи» дан талаб килиш.

2.4. «Бажарувчи» куйидагиларга мажбур:

«Буюртмачи» га «Хизматлар» ни мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 4,8 бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда курсатиш;

### III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси Тажминдан: 55453273.00 (Эллик беш ми  
шон тўрт юз Эллик үз миң экинчи юз эллик үз сумни ташкил этади.

Курсатиладиган «Хизматлар»нинг баҳоси мазкур шартномага иловада курсатилган.

3.2. «Буюртмачи» курсатиладиган «Хизматлар» туркуми суммасининг 30% фоизи ёки 16635982 сум миқдоридан олдиндан ҳақ тулайди. Қолган 70% якуний тулов курсатилган «Хизматлар» учун қабул килиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин амалга оширилади.

3.3. Курсатилган «Хизматлар» учун тулов нақд пулсиз пул кучириш йули билан амалга оширилади.

### IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар уз зиммаларига қабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул куйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган холлар бундан мустасно.

4.3. «Хизматлар» қабул килиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар буйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. «Буюртмачи» нинг розилиги билан «Хизматлар» учун кейинги даврларда курсатилиши керак булган «Хизматлар» ҳисобига ҳақ туланади ва улар ҳисобига утказилади.

4.5. «Буюртмачи» муддатлар бузилган холда курсатилган «Хизматлар» ни қабул килишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Назарда тутилган миқдордан ортикча бир номда «Хизматлар» курсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги курсатилмаган «Хизматлар» урнини тулдириш сифатида қаралмайди ва курсатилмаган «Хизматлар» нинг урни тулдирилиши керак, бундай «Хизматлар» «Буюртмачи» нинг олдиндан берилган ёзма розилиги буйича курсатилган холлар бундан мустасно.

4.7. Курсатилган «Хизматлар» бевосита «Буюртмачи» нинг масъул ходими томонидан далолатнома буйича қабул килинади. Далолатномада курсатилган «Хизмалар» миқдори, уларнинг сифати курсатилади.

4.8. Шартномада назарда тутилган «Хизматлар» курсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи» нинг буюртманомаси курсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда «Бажарувчи» Буюртмачиларнинг буюртманомаларини руйхатдан утказиш дафтарини юритади.

Буюртманома «Хизматлар» нинг тегишли қисмларини курсатиш мулжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар оркали, почта оркали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар оркали қабул килишда «Бажарувчи» нинг ходими «Буюртмачи» да қоладиган нусхага санани курсатган холда у қабул килинганлиги тугрисида белги куяди.

4.9. «Буюртмачи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд «Хизматлар» нинг тегишли қисмларини курсатиш санасини узгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Бажарувчи» ни буюртманомада курсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Курсатилаётган «Хизматлар» сифати, миқдори «Бажарувчи» томонидан нотугри аниқланиши, уларнинг қиймати нотугри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Бажарувчи» курсатилаётган «Хизматлар» нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотугри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг \_\_\_\_ фоизи миқдориди жарима тулайди.

5.2. Агар курсатилган «Хизматлар» нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон курсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган «Хизматлар» қийматининг \_\_\_\_ фоизи миқдориди жарима тулайди.

5.3. «Хизматлар» курсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Бажарувчи» «Буюртмачи» га белгиланган устамалардан ташқари курсатилиши керак бўлган «Хизматлар» нинг курсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тулайди.

5.4. Хизматлар курсатиш кечиктирилган ёки тулик курсатилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи» га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг \_\_\_\_ фоизи миқдориди пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси курсатилмаган «Хизматлар» қийматининг \_\_\_\_ фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня туланиши шартнома мажбуриятларин бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва «Хизматлар» курсатиш муддати кечиктирилиши ёки тулик курсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Курсатилган «Хизматлар» учун уз вақтида ҳақ туланмаганда «Буюртмачи» га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг \_\_\_\_ фоизи миқдориди пеня тулайди, бироқ бу кечиктирилган тулов суммасининг \_\_\_\_ фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. «Буюртмачи» томонидан тегишли шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун «Буюртмачи» ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) «Буюртмачи» томонидан шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган «Бажарувчи» нинг жавобгарлиги ҳам қуриб чиқилади.

«Бажарувчи» нинг айби билан шартномасининг «Буюртмачи» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда «Бажарувчи» томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чоратadbирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қулланилади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага қура, мустақил равишда уларда судгача хал этиш чораларини қурадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга муурожаат қилишга ҳақлидир.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома «08» Июль 2022 йилдан «31» Декабрь 2022 йилгача амалда бўлади.

7.2. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддаси 3-бандига мувофиқ тегишли тартибда Ғазначилик бўлинмаларида руйхатдан ўтказилгандан қийин қонуний қучга қиради.

7.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга були хисобланади ва томонларнинг хар бири учун бир нусхадан бериледи.

### VIII. ФОРС-МАЖОР

8.1. Айтиб булмайдиган, яъни фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб булмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини ва бошка табиий офатлар форс-мажор) туфайли тарафларда бир шартномани бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса, жавобгар булмайд.

### IX. ЯКУНИЙ КОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кура ёки бошка томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган такдирда, томонлардан бирининг талаби буйича суд тартибида бекор килиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага хар кандай узгартириш ва кушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан хакикий хисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг хар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.4. Мазкур шартнома, унга узгартиришлар (кушимчалар) «Буюртмачи» жойлашган жой буйича рухатдан утказилгандан кейин бажарилиши керак.

### 9. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари.

#### «Бажарувчи»

Кашкадарё вилоят Муборак  
туман давлат архиви  
Манзили: Муборак ш.Дустлик мах.  
тел/факс: 23-6-81  
х/р: 23402000300100001010  
ИНН 201571280  
ШХР: 400121860102347013300065001  
банк номи: Марказий банки Тошкент ш  
бош бошкармаси ХККМ  
МФО: 00014 ИНН: 201122919  
ОКОНХ: 95150

Рахбар: \_\_\_\_\_ Р.Ф.Болтаев.



#### «Буюртмачи»

Номи: Ўзбекистон.Х Кисми

Манзили: Муборак шаҳар  
тел/факс: 0(375)771-05-92  
шх/р 20210001003818665001  
ИНН: 200698487 ОКОНХ: 97920  
Ғазначилик номи: Молия Вазирлиги  
Ғазначилиги  
Ғазна х/р 23402000300100001010  
Банк номи: Марказий банк Тошкент  
шаҳар бош бошкармаси ХККМ  
МФО: 00014 Ғазна ИНН: 201122919

Рахбар: \_\_\_\_\_ Р.Н.Авлакулов



Шартнома лойихасини конун доирасида тузилган деб хисоблайман ва томонларга уни имзолашни тавсия этаман. (Гувоҳнома (лицензия) № \_\_\_\_\_ « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ йил)

ЮРИСТ:

Юрист виза куйган сана « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ йил.

Эслатма: Хукукшунос ёки жалб килинган адвокат шартномани куриб чикаётганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.08.2007 йилдаги № 182 сонли «давлат ва хужалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳукукий таъминлаш даражасини янада ошириш чора тадбирлари тугрисида» ги қарорига эътиборини қаратсин.

ВИЗАЛАР		
ФИШ	мансаби	имзо
Кенжаев Н.А.	ХИЧТО командири	
Зойиров З.Э.	Бош ҳисобчи	
Раҳмонов Б.Я.	Ҳуқуқшунос	

## ТАСДИКЛАЙМАН



Кашкадарё вилоят Муборак туман  
давлат архиви директори

Р.Болтаев  
2022-йил.

Кашкадарё вилоят Муборак туман давлат архиви 08-Январь 2022 -йил  
бajarилган ишлар учун

### КАЛЪКУЛЯЦИЯСИ

Кашкадарё вилоят Муборак туман давлат архиви Очиқ нефт ва газ фаввораларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича Ўзбекистон харбийлаштирилган қисмининг архивда сақланаётган хужжатларига техник хизмат курсатиш тикиш ва муковалаш ишлари учун хар бир йигмажилдга куйидагича ҳисобланади.

1 ходимнинг 1 ойлик иш хақи 2370752 сум, уртача бир ойлик иш куни 22 кун ҳисобланиб, бир кунлик иш хақи 107761,45 шундан бир соатлик иш хақи 13470,18 тийин.

1 соатлик иш хақи	13470,18 сум.
25 % ажратма	3367,54 сум.
2 дона мукова когоз	873,00 сум,
1 дона скрошиватель	950,00 сум,
Ип	290,68 сум,
клей	213,37 сум
бошқа харажатлар учун	<del>557,63 сум</del>
<b>жами булиб</b>	<b>19164,77 сум.</b>

Кимёвий ёнгинага қарши ишлов бериш хар бир йигмажилдга куйидагича ҳисобланди  
1 ходимнинг 1 ойлик иш хақиси 2370752 сум, уртача бир ойлик иш куни 22 ҳисобланиб,  
бир кунлик иш хақи 107761,45 шундан бир соатлик иш хақи 13470,18 тийин.

45 дақиқалик иш хақи	10102,63
25 % ажратма	2525,66
бошқа харажатлар учун	840,88
<b>жами булиб</b>	<b>13469,17 сум</b>

Иш хақи маълумотномалари ва ишга кириш ва ишдан чиқиш буйруқдан қучирма беришда хар бир йигмажилдга куйидагича ҳисобланди.

1 ходимнинг 1 ойлик иш хақи 2370752 сум, уртача бир ойлик иш куни 22 кун ҳисобланиб, бир кунлик иш хақи 107761,45 сум шундан бир соатлик иш хақи 13470,18 тийин.

1 соатлик иш хақи	13470,18
25 % ажратма	3367,54
ок когоз 2 дона	200,00
<b>жами булиб</b>	<b>17037,72</b>

Хужалик гуруҳи б/бошлиғи :

Архивчи:

Бош ҳисобчи :

О.Рузиева

О.Удаева

Қ.Раҳмонов.

## Маълумотнома

Очиқ нефт ва газ фаввораларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича Ўз.Х Қисмнинг 1968 йилдан 2015 йилгача булган давргача хужжатлар туман давлат архивида сақланиб келинмоқда.

№	Курсатилган хизматлар номланиши	Кайси йилдан кайси йилгача	Тикилган муқоваланган китоблар сони	Кимёвий ишлов берилган китоблар сони	Иш хақи маъ-р уйрукдан кучирма бериш	Хар бир йигма жилдлар суммаси	Жами сумма
1	Техник хизмат тикиш ва муқовалаш	1968 йил 2015 йил	1386	-		19164,77	26562371,22
2	Кимёвий ёнгинага қарши ишловлар бериш	1968 йил 2015 йил	-	1386		13469,17	18668269,62
3	Қорхона ишчи ходимларига иш хақи маъ-р ёзиб бериш	1968 йил 2015 йил			600	17037,72	10222632,00
	<b>Жами</b>	<b>х</b>	1386	1386	600	<b>х</b>	<b>55453272,84</b>

Кашкадарё вилояти Муборак туман давлат архиви директори:

Фонд сакловчи:

Архивчи:



*P. Boltaev*

Р.Болтаев

*F. Ruzieva*

Ф.Рузиева

*O. Udaeva*

О.Удаева